



M. Jumaniyozova

**ETNOGRAFIK DALA AMALIYOTI
O'TKAZISH BO'YICHA DASTUR VA
USLUBIY TAVSIYALAR**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**AL-XORAZMIY NOMLI URGANCH DAVLAT
UNIVERSITETI**

M. Jumaniyozova

**ETNOGRAFIK DALA AMALIYOTI O'TKAZISH BO'YICHA
DASTUR VA USLUBIY TAVSIYALAR**

(uslubiy qo'llanma)

Ushbu uslubiy qo'llanma UrDU ilmiy-uslubiy kengashining 2015-yil 11-fevraldagi 5-sonli yig'ilishi bayonnomasi qaroriga binoan nashr qilishga tavsiya etilgan.

Urganch – 2015

UDK:39:001.891.55(072)

KBK 63.5

J-87

M. Jumaniyozova. Etnografik dala amaliyoti o'tkazish bo'yicha dastur va uslubiy tavsiyalar. Uslubiy qo'llanma. Mas'ul muharrir

Q. Sobirov. O'zR Oliy va o'rta maxsus tahlil vazirligi, al-Xorazmiy nomli Urganch davlat universiteti. Urganch. UrDU nashriyat bo'limi, 2015. 36 bet.

KBK 63.5ya73

Ushbu uslubiy qo'llanma etnografik dala tadqiqotlari va uni olib borishning uslublariga bag'ishlangan dastur bo'lib, unda umumlashtiruvchi ma'lumotlar tizimli ravishda bayon etilgan. Shuningdek, muallif tomonidan etnologiyaning an'anaviy muammolari va ularni tadqiq qilishning an'anaviy uslublari, zamonaviy etnologik muammolar va ularni yechishda qo'llanilish mumkin bo'lgan tadqiqot uslublari yangicha qarashlar asosida tahlil etilgan.

Mazkur uslubiy qo'llanma tanishtiruv xarakteriga ega bo'lib, ijtimoiy-gumanitar yo'nalishda tahsil olayotgan talabalarni etnografik dala amaliyotini o'tash tartibi bilan tanishtiruvchi dasturdir. Qolaversa, talabalarni tadqiqotchi sifatida etnografik materiallar yig'ish va to'plangan ma'lumotlarni mustaqil tahlil qilishga o'rgatadi.

Qo'llanma oliy o'quv yurtlarining ijtimoiy-gumanitar fanlarga ixtisoslashtirilgan bakalavr va magistr yo'nalishlari mutaxassislik talabalari hamda etnologiyadan ilmiy tadqiqot olib boruvchi va bu soha bilan qiziquvchi boshqa soha vakillari uchun ham muhim qo'llanma xizmat qiladi.

Mas'ul muharrir

Q. Sobirov, t.f.n., dotsent.

Taqrizchilar:

**Q. Masharipov, t.f.n., dotsent,
R. Abdrimov, t.f.n., dotsent.**

ISBN: 978-9943-4483-8-4

© UrDU nashriyat bo'limi, 2015.

© M. Jumaniyozova. Etnografik dala amaliyoti o'tkazish bo'yicha dastur va uslubiy tavsiyalar. Uslubiy qo'llanma.

М У Н Д А Р И Ж А.

1.Кириш.....	4
2.Этнографик амалиёт дастури.....	5
3.Амалиётни ўташ тартиблари.....	10
4. Этнографик амалиёт давомида анъанавий методлар , замонавий ахборот ва техник воситалардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар.....	17
5.Этнографик дала тадқиқотларини олиб боришга доир анкета- сўровномаларининг намуналари (Анъанавий ва замонавий мавзулар учун)	22
6.Н.Н.Миклухо-Маклайнинг этнографик кундалигидан намуналар.....	33
7.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	34

Кириш

Ойкуменамиз ниҳоятда ранг-баранг. Унда турфа хил расм-русмлар ва урф-одатларга эга халқлар яшайди. Уларнинг жисмоний кўриниши, сўзлашув тили, маданияти ва дунёқарашлари турличадир. Бироқ, халқларнинг барчаси табиатнинг ажралмас бир қисми тарзида ривожланган ва айнан табиий-географик ҳамда хўжалик муносабатлари билан боғлиқ ҳолда ўзига хос этномаданий анъаналарга эга бўлган. Ана шундай моддий, маънавий ва маданий анъаналарни ўрганувчи фан бу этнографиядир. *Этнография* юнонча сўз бўлиб, «этнос» -халқ «графия» тавсифлаш деган маъноларни англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда барча фан соҳалари тобора мукаммаллашиб, ривожланиб бормоқда, шу жиҳатдан этнология фани ҳам. Фанни тадқиқ қилишнинг замонавий услублари ва янги технологиялари вужудга келмоқдаки, уларни талабаларга етказиш ва тушунтириб бериш ниҳоятда зарурдир. Бугун кундалик ҳаётимизнинг бир қисми бўлган интернет тармоқлари орқали дунёдаги барча халқларнинг турмуш тарзи ва маданияти ҳақидаги ахборотлар, ҳужжатли фильмларни дақиқалар ичида кўришимиз ва олишимиз мумкин. Уларни илмий жиҳатдан солиштириш, таҳлил қилиш ва маданиятнинг умумий томонларини англаш, яхши жиҳатларини қабул қилиш ва салбий ҳолатларнинг кириб келишини олдини олиш имкониятига эгамиз. Биз бугун замонавий ахборот технологиялари асосида этнологик тадқиқотларнинг янги услубларини ярата оламиз.

Ушбу услубий қўлланма этнографик дала амалиётини ўташ тартибларига бағишланган дастур бўлиб, тарих таълим йўналиши талабалари ва мустақил тадқиқотчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, ушбу қўлланмада этнографик амалиёт ўташ услублари, амалиёт давомида янги ахборот технологиялари ва техник воситаларидан фойдаланиш тартиби ва муаммолари батафсил ёритилади. Дала тадқиқоти учун мўлжалланган турли мавзулардаги анкеталардан намуналари келтирилади. Шунингдек, тарих факультетларида этнографик амалиётларни қандай ташкил

қилиш ҳақида фикр ва мулоҳазалар билидирилади ва таклифлар берилади.

2.Этнографик амалиёт дастури.

1. Этнографик амалиёт ҳақида тушунча

Олий таълимда ҳар бир мутахассислик талабалари назарий билимларни эгаллаш билан биргаликда амалиёт тажрибасини ҳам тўплашлари зарур. Шунинг учун ўқув режаларида ҳар бир босқич якунида амалиёт ўташ учун соатлар ажратилган.

Тарих таълим йўналиши талабалари бакалавр доирасида педагогик, архив, музей, ўлкашунослик, археологик ва этнографик амалиётларни ўташлари белгиланган. Ўқув режасига биноан биринчи босқич талабалари “Жаҳон халқлари этнологияси асослари ” фанидан назарий билимларга эга бўлганларидан кейин , босқич якунида уни этнографик амалиёт билан мустаҳкамлайдилар. Бу амалиёт ўзига хос бўлиб ,у кенг халқ орасида, белгиланган қишлоқ, шаҳар ёки аҳоли пунктида (танланган мавзунинг анъанавий ёки замонавий эканлигига қараб) бевосита амалга оширилади.

Этнографик дала амалиётини ўтказишдан асосий мақсад,

биринчидан, талабаларни олган назарий билимларини амалиёт асосида мустаҳкамлаш,

иккинчидан амалиёт илмий фаолиятга мўлжалланганлиги сабабли , талабаларни мустақил тадқиқотга ўргатиш.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда бир қанча асосий вазифалар белгиланади.

-талабаларни этнографик тадқиқотнинг алоҳида услуби ҳисобланган дала амалиёти билан таништириш.

- этнографик дала амалиёти давомида қўлланиладиган услублар билан таништириш.

- талабаларни дарс жараёнида олган назарий билимларини чуқурлаштириш ва уларни ўзлари тўплаган этнографик маълумотларни назарий билимлари билан солиштириш,таҳлил қилиш ва илмий хулосалар чиқаришга

ўргатиш.

-этнографик маълумот йиғиш учун талабаларга мавзу ва объект танлашни ўргатиш.

-талабаларни ушбу соҳа юзасидан илмий текшириш, изланиш ишларини олиб боришга қизиқишларини тарбиялаш,илмий тадқиқот ишларини олиб боришни маънавий рағбатлантириш

- талабаларда миллий анъаналар, моддий ва маънавий қадриятларимизга нисбатан қизиқиш , хурмат, эътибор ва фахр –ифтихор туйғуларини шакллантириш.

-- талабаларни ўзига хос миллий менталитетимиз, тарихимиз ва осори-атиқаларимизни асраш ва келажак авлодга етказиш руҳида тарбиялаш.

Этнографик дала амалиёти бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

Этнографик дала амалиёти жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр ва магистр ёки мустақил тадқиқотчи;

---этнографик маълумотлар ва уларнинг тарихий-маданий жараёнларни ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида;

---турли даврларда сақланиб қолган этнографик материаллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида;

---этнографик ашёларда акс этган минтақаларни хўжалиги,моддий маданияти,диний ва ғоявий қарашлари тўғрисида *тасаввур ва билимга эга бўлишлари лозим.*

Бундан ташқари талабалар ўзлари тўплаган маълумотлардан этнографик гуруҳлар,регионлар ва минтақаларнинг ўтмиш тарихи ва маданияти муаммоларини ўрганишда фойдаланиши;

--тўпланган этнографик материалларнинг даврлари ва шаклланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда моддий ва маънавий маданият, урбанизатсия жараёнларининг *тарихий –таҳлилий тамойилларини билиши ва улардан фойдалана олиши зарур*

Шунингдек этнографик амалиёт ўташнинг турли шакллари ва услублари;

---этнография йўналиши бўйича илмий тадқиқотларнинг услубий асослари;

--этнографик маълумотлардан тарихий-маданий жараёнларни ўрганиш ва тадбиқ этишнинг услубий асосларидан фойдалана олиш,

--амалиёт давомида тўпланган материалларни минтақалар, даврлар ва турлари бўйича ажрата олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиши керак .

Этнографик амалиётнинг ўқув режасидаги бошқа амалиётлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий кетма-кетлиги.

Этнографик амалиёт ихтисослик амалиёти ҳисобланиб, уни ўташ биринчи босқичнинг иккинчи семейстри учун мўлжаллаган. Тарих мутахассислиги талабалари учун дастлабки амалиёт ҳисобланиб, ихтисослик бўйича қолган барча амалиётлар у билан ўзвий боғлиқ ва кетма-кетлик тарзида амалга оширилади. Ўқув режасига биноан унинг давоми сифатида археологик, ўлкашунослик, музейшунослик ва архив амалиётлари кўзда тутилган.

Этнографик амалиётни ўташда анъанавий услублар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Талабалар этнографик амалиётни тўғри ва тўла ўташлари учун , амалиёт ўташнинг илғор анъанавий ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жойларда дала амалиёти олиб боришнинг

- билвосита(манбалардан фойдаланган ҳолда)

--бевосита.(халқ орасида доимий яшаб маълумот тўплаш)

--стационар(бир этник йиллик тадқиқот).

--мавсумий методлари тавсия этилади

Этнографик амалиёт давомида талабалар замонавий қўл телефонлари, рақамли фотоаппаратлар, аудио тасма ва рақамли видео камералардан, компьютерлар ва интернет тармоқларидан фойдаланишлари мумкин.

Асосий қисм

Кириш . Этнографик амалиёт билан танишиш.

Конференция ташкил қилинади. Этнографик амалиёт ҳақида тушунча берилади. Амалиёт ўташ вақти , ўрганиладиган объект, қўлланиладиган дала тадқиқоти методлари, қўллаш мумкин бўлган замонавий информацион ва техник воситалар ва амалиёт ўташ тартиблари тушунтирилади.

Дала амалиёти давомида анъанавий мавзуларни тадқиқ қилиш

Ўзбеклар шажараси ва авлод-аждодлар муаммоси, уруғ-қабилчилик анъаналарининг характерли жиҳатлари, анъанавий машғулоти ва хўжалик фаолияти, моддий маданияти, ижтимоий муносабатлар ва маҳаллачилик анъаналари, оилавий-маиший турмуш анъаналари, диний тасаввурлар ва улар билан боғлиқ турли маросимлар, урф-одатлар.

Олиб бориладиган тадқиқотда дала ишларининг икки тури асос қилиб олинади. Биринчидан, аҳолининг этник таркиби ва XIX аср охири - XX аср бошларида алоҳида этник гуруҳларнинг тарқалиши ҳақида ва иккинчидан, барча аҳоли пунктлари асосида уруғ-қабилавий ва оила-қариндош гуруҳларининг келиб чиқиши ҳақидаги халқ ривоятлари, уларнинг миграцияси ва унга сабаб бўлган турли тарихий воқеалар баёни.

Дала амалиёти давомида тадқиқ қилинадиган замонавий мавзулар

- қўни-қўшничилик муносабатлари ва унинг трансформациялашуви.
- ўзбек халқининг маданий хусусиятлари динамикаси(такомили, таназзули, маданий ўзгаришлар).
- ўзбек халқининг этнопсихологиясидаги ўзига хосликлар.
- ўзбек халқида мавжуд ҳаёт тарзининг табиий-географик муҳитга мослашуви.

- амалиёт ўтказилаётган регион аҳолисидаги маданиятлараро муносабат ва мулоқотларнинг ўзига хос хусусиятлари.

-анъана ва маросимларнинг тараққиёти,инновацияси ҳамда трансформациялашуви

Дунё миқёсида улкан глобаллашув жараёни ва янги технологик давр ҳисобланмиш ҳозирги даврда этноснинг ўрни ва аҳамияти ,уяли телефонлар ва у орқали қилинадиган мулоқатнинг муомала маданиятимизга таъсири. Бошқа техника ва ахборот воситалари ва уларнинг бизнинг тафаккуримизда ва онгимизда , дунёқарашимизда сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқарганлиги. Интернет алоқалари, давлатлараро савдо алоқалари бизнинг кийиниш маданиятимиз, яшаш тарзимиз, овқатланиш услубларимиз, таомларимиз ва анъаналаримизда катта ўзгаришларни содир қилганлиги,. кандакорлик, кулолчилик, заргарлик,каштачилик,гилмачилик каби ҳунармандчиликнинг энг қадимий ва анъанавий соҳаларидаги сезиларли ўзгаришлар. Замонавий этномаданий жараёнлар, этнослараро коммуникация ва глобаллашув жараёнларида миллий хусусиятларни сақлаб қолиш омилларини ўрганиш , *Джентрификация* масаласи ,*Фаол ва турғун шаҳарлар*, уларнинг аҳоли таркиби, аҳолисининг ёши ва маълумоти масаласи.

Этнографик амалиёт юзасидан сўровномалар ташкил қилиш.

Ўрганилаётган ҳудуддаги турли этник гуруҳлар, уруғ-қабила, элат ва миллат вакиллариининг ўзига хос этник хусусиятлари, турмуш тарзи, хўжалик фаолияти ва урф-одатларини кенг миқёсда ўрганиш учун сўровномалр ташкил қилиш

1.Умумлаштирувчи маълумотлар олиш учун сўровнома.

2 .«Деҳқончилик ва сув иншоотлари» мавзусини махсус ўрганиш.

3.«Чорвачилик» мавзусини махсус ўрганиш дастури.

4.Моддий маданиятни ўрганиш учун сўровнома.

5.Тўй, оила ва никоҳ муносабатларини ўрганиш учун сўровнома

6.Этнопсихологик,этносоциологик,этнодемографик,статисти

к, этнопедагогик сўровномалар,

Этнографик дала амалиёт учун объект танлаш

Этнографик амалиёт ўқув режасига биноан ташкил қилиниши. Олий Ўқув юртининг ички ва ташқи имкониятларини ҳисобга олиб, муассаса жойлашган регион ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда, республика ҳудудида, амалиёт ўтовчи талабаларнинг билим ва тил билиш даражасига қараб чет давлатларда ҳам уларнинг ҳамкорлик шартномаси асосида этнографик дала амалиётлар ташкил қилиш.

Этнографик дала амалиётни якунлаш

Талабаларнинг амалиётдаги иштирокини текшириш. Ҳисоботини қабул қилиш. Талабаларни баҳолаш. Тўпланган материалларнинг зарурларини компьютерга жойлаш. Энг яхши маълумотларни мақола сифатида чоп қилиш. Этнографик экспонат ва коллекциялари тўплаш. Факультет музейларини ташкил қилиш, тўғаракларни жонлантириш.

3. Этнографик дала амалиётини ташкил қилиш ва ўташ тартиблари.

Олий таълим муассасаларининг ўқув режаларида этнографик амалиёт 2 ҳафтадан 4 ҳафтагача қилиб белгиланган. Амалиётнинг бундай тури жуда мураккаб бўлиб, у амалиёт раҳбари ва, амалиётчи талабалардан жиддий маъсулиятни талаб қилади. Этнографик дала амалиёти қуйидагича ташкил қилинади ва олиб борилади.

2.1. Этнографик дала амалиётини ташкил қилиш

1.Объект танлаш- дастлаб дала амалиёти ўташ учун объект танланади. У тадқиқ қилинадиган мавзунинг анъанавий ёки замонавий эканлигига қараб белгиланади. Анъанавий мавзулар учун кўпроқ энг чекка қишлоқ, маҳалла, туман ёки вилоятлар танланади. Бундай жойларда асосан анъанавий хўжалик турлари (деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик), анъанавий моддий маданият (уй-жойларнинг келиб чиқиши, қурилиш тартиби, улар билан боғлиқ маросимлар), анъанавий маънавий маданият (халқ

байрамлари, ўйинлари, диний тасаввурлари, мусиқа ,ракс, илм-фан ва адабиёт), халқ оғзаки ижоди намуналари (объект ҳақидаги афсона,ривоят, ҳикоя, эртак ва фольклор намуналари) тўпланади.

Замонавий мавзулар учун эса интеграция жараёнига кўпроқ жалб этилган объектлар танланади ва бундай жойларда юқорида айтилган ҳолатларнинг динамикаси,трансформацияси ўрганилади.

1. *Амалиёт ўташ услубини танлаш.* Дала амалиёти ўташ учун *бевосита ёки мавсумий* услублар мавжуд. Талабалар билан биргаликда дала амалиётини олиб бориш учун мавсумий (сезонный) услуб ниҳоятда мақбулдир. Чунки , бунда аудитория соатлари бажарилиб бўлгандан сўнг амалиёт ташкил қилиш мумкин ва албатта, талабанинг дарс жараёни бузилмайди.

2. *Дала амалиёти сметасини ишлаб чиқиш-* бунда талабалар ва амалиёт раҳбарларининг сонидан келиб чиқиб,уларга кетадиган йўл ва кундалик харажатлар суммаси ишлаб чиқилади ва тегишли ҳужжатлар асосида раҳбариятга тақдим этилади.

3. *Шартнома тузиш* –талабалар амалиёт ўтайдиган ҳудуд раҳбарияти билан турар –жой масаласида шартнома тузилади. Чунки, амалиётга чиқадиган талабаларнинг сони катта миқдорда бўлиб,уларни ҳар куни битта жойга тўплаш ёки ҳар куни транспорт ташкил қилиш жуда катта сарф-харажат ва вақтни талаб қилади.

4. *Конференция ўтказиш-* амалиёт раҳбари томонидан ташкилий ишлар ҳал қилингач амалиётчи талабалар билан 2 соатлик конфереция ташкил этилади. Бунда талабаларга этнографик дала амалиётини ўташдан асосий мақсад ва вазифалар, ўқув режасида амалиёт учун ажратилган вақт миқдори, дала амалиётини ўташ тартиблари, зарур бўлган ўқув ва маиший анжомлар ,кундалик иш тартиби ва режалари, материал тўплаш, уларни таҳлил қилиш, ҳисобот топшириш шакли ҳақида ахборот ва тушунча берилади.

2.2.Этнографик дала амалиётини ўташ тартиби.

1. Амалиёт санаси белгиланган вақтда шартнома тузилган объектга талабалар жойлаштирилади.

2. Ўрганилиши зарур бўлган объектнинг маҳалла фаоллари ёрдамида ахборотчилар аниқланади.(ахборотчилар 45 ёшдан 90 ёшгача бўлиши зарур).
3. Талабаларнинг иш вақти белгиланади. Амалиёт давомида улар бажарадиган вазифалар тақсимланади. Улар 3 ёки 4 кишидан гуруҳларга жамланади. Чунки , маълумот олиш учун белгиланган хонадонда ноқулайлик туғдирмаслик зарур.
4. Амалиётчилар амалиёт олиб борилаётган объектнинг маҳаллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда , ўзларининг кийимлари ва муомалаларини шу жойга мослаштиришлари зарур. Зеро , бундай ёндошиш маҳаллий ахборотчилардан кўпроқ ва аниқроқ маълумот тўплашга имкон беради.
5. Ҳар куни қилинган иш дала амалиёти учун махсус тайёрланган кундалик дафтарга ёзиб борилади.
6. Ахборотчилар билан қилинган суҳбатлар аудио ва видео тасмаларга муҳрланса янада яхши.
7. Ўрганилаётган объектда аҳоли томонидан ўтказиладиган мавсумий маросимларда иштирок этиб ,уларни жонли тарзда видео тасмаларга ёзиб олиш муҳимдир.
8. Объект аҳолисига сўровномалар тарқатилади,йиғиб олинади ,таҳлил қилинади.
9. Маҳаллий аҳолида сақланиб қолган қадимий этнографик буюмларни тўплаш зарур, агар имкони бўлмаса уларнинг фотосуратлари олиниши лозим.
10. Ҳар куни тўпланган маълумотлар тартибга солинади, текширилади, манбалардаги маълумотлар билан солиштирилади ва таҳлил қилинади.

2.3 Амалиётни якунлаш.

- 1.Амалиёт белгиланган санада якунланади .Ҳисобот топшириш муддати ва куни талабаларга эълон қилинади.
2. Амалиётчи талабалар амалиёт якунида қуйидаги ҳужжатларни амалиёт раҳбарига тақдим этишлари лозим.
А. Ҳисобот-талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар, амалиёт объекти ва белгиланган вазифаларнинг қисқача изоҳи, амалиёт фаолиятининг ташкилий асослари, унинг натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олади.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат
Университети Тарих факултети 101—
гуруҳ талабаси Маткаримова Гўзал нинг
Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғида
2015йилнинг 12 июнидан 24 июнигача
ўтказилган этнографик дала амалиёти
юзасидан

Ҳ И С О Б О Т И .

Тарих таълим йўналишининг ўқув режасига биноан 2012 йилнинг 12 июнидан 24 июнигача Янгиариқ туманининг Каттабоғ қишлоғида этнографик дала амалиётини ўтадим.Объект Хива – Хазараспмагистрал йўлининг 14 кмда жойлашган. Амалиёт давомида қуйидаги вазифаларни бажардим

- 1. Каттабоғ қишлоғи ,ундаги ва унинг ён –атрофидаги тарихий-этнографик ҳудудлар ва археологик ёдгорликлар ҳақида манбалар билан танишдим. (П.П.Иванов. Архив Хивинских ханов.-Т.1968, Я.Ғ.Ғуламов.,Хоразмнинг суғорилиш тарихи. –Т, 1972, С.П.Толстов. Древний Хорезм.-М.1952 М.Ю.Йўлдошев. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги.-Т,1972. Хоразм Маъмун Академияси Археология экспедитсиясининг материаллари.- Урганч ,2006)*
- 2. Каттабоғ ҳудудида жойлашган Олма отишган археологик ёдгорлиги юзасидан ҳалқ орасидаги афсона ва ривоятларни тўпладим.*
- 3. Кулоллар маҳалласида бўлиб ,уларнинг иш фаолияти ,кулолчиликка оид урф-одат ва маросимлар ҳақида маълумотлар ёзиб олдим.*
- 4. 45 ёшдан 90 ёшгача бўлган ахбоочилардан 20таси билан суҳбат олиб бориб оғзаки тарих учун материаллар йиғдим.*
- 5. Каттабоғ қишлоғида сақланиб қолган осори –атиқалардан фото албом тайёрладим.*
- 6. Қишлоқ аҳолиси орасида ўтказиладиган урф –одат ,маросим ва маракаларда иштирок этиб ,уларни видео тасмаларга жойладим.*
- 7. Барча тўпланган маълумотларни кундалик дафтарга жамладим. Ва ундан мақола ёзишга ҳаракат қиламан.*
- 8. Этнографик дала амалиёти давомида илмий тадқиқот ишлари учун материаллар йиғиш,уларни манбалар билан солиштириш,таҳлил қилиш вахулоса чиқариш малакамни оширдим. Этнология фани юзасидан мустақил илмий тадқиқот олиб боришга ўргандим, дала маълумотларини йиғиш*

бўйича билим ва кўникмаларни ҳосил қилдим

МГЗ имзо. 2015 й 26 июн Ҳисобот топширилган сана

Б). *Кундалик дафтар* – амалиётчи талабанинг асосий қуроли ҳисобланади. Ахборотчилар билан олиб борилган суҳбат ва амалиётнинг ҳар бир кунда қилинган ишлар дафтарга амалиётчи томонидан батафсил ёзиб борилади. Кундалик дафтарда амалиёт кунлари тўлиқ бўлиши шарт.

АлХоразмий номидаги Урганч Давлат Университети

КУНДАЛИК ҲИСОБОТ ДАФТАРИ
(Археологик ва этнографик амалиёт учун)

Ф.И.О Ма т к а р и м о в а Г ў з а л
Тарих факултети 1 курс 101 гуруҳ
Этнографик амалиёт Янгиариқ
тумани, шаҳари Каттабоз қишлоғи,
кўчасида ўтказилди.

Амалиёт санаси 12июн дан 24 июн гача

Урганч----2015

Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғи 12 июн соат 08.00 да амалиёт бошланди.

Ахборотчининг исми ва фамилияси Аноржон Вафаева
Иш жойи Янгиариқ туман “Аваз Ўтар” номли фермерлар уюшмаси
“Каттабоғ” маҳалла қўмтасининг раисаси

Туғилган жойи ва йили Каттабоғ маҳалласи , 1950 йил

Сухбат матни Савол: Қишлоғингизнинг номи нима учун Каттабоғ?—Жавоб: Бизнинг қишлоғимиз Хива хонининг энг унумдор ерларидан ҳисобланган. Бу ҳудудда хонликнинг энг номдор бойлари ,беклари ва тўраларининг ер мулклари жойлашган. Атрофида жуда кўплаб кўллар мавжуд бўлганлиги ва сувнинг сероблиги сабабли мана шу жойларда жуда кўплаб боғлар барпо этилган.Ён атрофимиздаги ҳамма қишлоқларда олмачиликка асосланган боғлар мавжуд. Биз бунини атрофимизда жойлашган қишлоқ номларидан ҳам билишимиз мумкин. Масалан, “Шихбоғи”, ”Гулланбоғ”, ”Бўстон”, ”Ўриклик” ва ҳақозо. Уларнинг ичида энг каттаси мана шу жойда эканлиги сабабли унинг та номи ҳам Каттабоғ деб аталган.

--Маҳаллангизда нечта қишлоқ ёки маҳалла ,елат жойлашган?

--Маҳалламизда 10 та элат бор Уларнинг ҳаммаси элаткомлар томонидан бошқарилади. Уларни эса халқ ўзи ҳоҳлаган обрў-еътиборли ва сўзи ўткир кишилардан сайлайди

--Маҳаллангиз одамлари асосан нима билан шугулланиди?

.Бизнинг гелатдошларимиз,маҳалладошларимиз жуда оддий, содда, аммо сермашаққат кишилар. Улар ота-боболаридан қолган қулолчилик касби билан шугулланишади.

-Бу иш билан маҳаллада қанча киши шугулланади?

--Маҳалламизнинг 35% фуқороси сопол буюмлар(коса, товоқ, лаган, ваза), тандир , сопол плиткалар ясаш билан шугулланади.

-Биздаги маълумотларга кўра маҳаллангизда ўзига хос қулолчилик мактаби мавжуд, шундайми?

--Ҳа, бу мактаб “Каттабоғ қулолчилик мактаби” деб аталади.Бу мактабнинг бугунги кундаги энг машҳур давомчилари Султоновлар сулоласи.

В) Амалиёт ўтайдиган объект ҳақида амалиётчи танишган манба ва адабиётлар рўйхати.

Масалан

1. Абдуллаев Т., Фахретдинова А., Ҳакимов А. Маданга битилган қўшиқ. 1985
2. Исмаилова И.Х. Ревес.А.М. Левтеева Л.Г. Кўҳна олам

сирлари.Т.2007

3. Абдурасулов А. Хива. (Тарихий-этнографик очерк). – Т.: Ўзбекситони. 1997. -144
4. Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амудары. Труды Хорезмской экспедиции. Т-1. М. 1952. С 375
5. Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. И-1993
6. Джабборов И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX-начале XX вв. Среднеазиатский этнографический сборник. Т-3. Л. 1971.
7. Жуманиёзова М.Т. Каттабознинг катта гаплари. Альманах..-Тошкент .2010.

г). Этнографик ашёларнинг фотосуратлари ёки фотоальбом.
Д). Ахборотчиларнинг суҳбати ёзилган аудио ёки видео тасмалар

--Ушбу ҳужжатлар жамланган ҳисобот папкаси амалиёт раҳбарига топширилади. Раҳбар ҳужжатлар билан танишгандан кейин факультет деканининг фармойишига биноан тузилган комиссия олдида амалиётчи талаба ўз ишини ҳимоя қилади.

-- Амалиётчи талаба топширган ҳужжатлар жамланмасы кафедрада бир йил мобайнида сақланади.

--Аудио ва видео тасмаларда материаллар ,ҳамда фотосуратлар кафедрадаги компьютерга жойлаштирилади.

--Талабалар белгиланган тартибда жорий рейтинг системасида баҳоланади ва баҳолари уларнинг рейтинг дафтарчалари ҳамда деканат ведемостларида қайд этилади.

--Амалиёт раҳбари амалиёт якуни ва натижалари ҳақида факультет илмий кенгаши олдида ёзма ва оғзаки ҳисобот беради.

--Амалиёт натижаси сифатида иш жараёнида тўпланган маълумотлар асосида илмий, илмий-оммабоп журналларга мақолалар берилиши шарт.

4. Этнографик амалиёт давомида анъанавий методлар , замонавий ахборот ва техник воситалардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар

Бугунги кунда замонавий этнологияда ўзига хос этнологик тадқиқот методлари мажмуи шаклланган бўлиб, уларга дала тадқиқотлари, ёзма манбаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижод намуналарини тўплаш , статистик материаллар (аввало турли даврларда бажарилган аҳолини рўйхатга олиш материаллари)ни таҳлил қилиш киради.

1. *Ёзма манбаларни ўрганиш* этнологиянинг энг муҳим методларидан бири бўлиб, унинг қиммати ўрганилаётган халқ ва унинг маданияти тўғрисида аниқ ва тўлақонли маълумотлар бериши билан ажралиб туради. Ёзма манбаларга одатда маълум бир халқ вакиллари ҳисобланган муаллифлар томонидан ўзларининг ёки бошқа халқларнинг тарихи ҳамда маданияти тўғрисида ёзиб қолдирилган қўлёзма асарлар, тарихий манбалар киради. Шунингдек, ёзма манбаларга олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар ва б.), тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар ҳам киради. Ёзма манбалар доимий равишда бир неча авлод тадқиқотчилари учун қизиқарли манба бўлиб хизмат қилган.

Қолаверса, ҳозирги кунда бундай тарихий-маданий ёзувлар этнологлар қизиқадиган ягона манба тури бўлиб ҳисобланмайди. Айни кунда турли даврлардаги халқларнинг ҳаёти ва маданиятига бағишланган ҳар хил ёзма манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўп қисми ҳозиргача батафсил ўрганилмаган. Бундай ёзма манбалар жумласига, сайёҳлар ва географларнинг сафарлари тўғрисидаги хабарномалари, ўтказилган турли-туман экспедициялар ҳисоботлари, матрослар ва аскарларнинг ёзувлари, элчиларнинг ҳисоботлари, савдогарларнинг сафарномалари, оддий халқ вакилларининг давлат раҳбарларига ёзган мактублари ва шу каби бир қатор ёзма материаллар киради.

2. *Халқ оғзаки ижоди* намуналаридан фойдаланиш методи. Халқ оғзаки ижодиёти маданиятнинг энг қадимги соҳаларидан бўлиб, унинг илдизи инсониятнинг энг қадимги

тарихига бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим наъмуналари қадимги юнон тарихчилари ва Табарий, Маъсудий, Абу Райҳон Беруний, Ибн ал-Асир каби Шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Қаюмарс, Жамшид ва Сиёвуш ҳақидаги афсоналар, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қиссалар ҳам шулар жумласидандир. Анъанавий уруғ-жамоавий муносабатлар, хўжалик муносабатларини, умуман олганда, туркий халқларга хос миллий-етник қадриятларни тадқиқ қилишда «Гўрўғли», «Алпомиш» каби достонлар, шунингдек, халқ эртаклари, ривоятлар, маросим кўшиқлари, матал ва топишмоқларнинг роли бениҳоят каттадир. Ёзма адабиётдан аввал пайдо бўлган бу халқ дурдоналари турли ижтимоий қатлам вакиллари ҳисобланган кишиларнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, урф-одатлари, айниқса, узок ўтмиш даврлардаги ижтимоий муносабатлар тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Қолаверса, этнологик тадқиқотлар жараёнида ўтказилган тажриба кўни-кўшни бўлиб яшаган халқларда ҳам айрим ҳолларда тарихий тафаккурнинг шаклланиши тубдан бошқа - бошқа бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Аجدодлари кўчманчи ёки яримкўчманчиликда чорвачилик билан шуғулланган халқлар ҳатто ҳозирги кунгача ўзларининг аجدодлари шажарасини яхши билишлари билан бирга уларнинг қайси уруғга ва шу уруғнинг қайси шахобчасига мансублиги, аجدодлари қаердан келганлигидан тортиб уларнинг анъанавий машғулоти турларигача биладилар. Бундай қимматли манбалар кўпинча оғзаки ижод орқали аجدодлардан авлодларга ўтиб сақланиб келади. Халқ оғзаки ижодига оид материаллар бугунги улкан глобаллашув ва замонавий этник жараёнлар таъсирида жадал суръатлар билан йўқолиб бормоқда. Ҳатто яқин келажақда бундай манбаларнинг айримлари буткул йўқолиб кетиш хавфи мавжуд.

3. *Археологик материаллардан* фойдаланиш методидан этномаданиятни тадқиқ қилишда ҳам кенг фойдаланилади. Археологик моддий (ашёвий) манбалар деганда инсониятнинг дастлабки аجدодлари яшаган маконлардан топилган меҳнат ва уруш қуроллари, улар дафн этилган жойлар, кейинги тараққиёт жараёнида қурилган бино ва

иншоотлар (қалъа ва қасрлар, ҳаммомлар ва карвонсаройлар, хунармандчилик устахоналари ҳамда сув иншоотлари ва шу кабилар)нинг қолдиқлари, ҳамда уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари тушунилади. Ёзма ва оғзаки манбаларга қараганда археологик моддий ашёлар бирмунча ишончлироқ ҳисобланади. Улар ёрдамида маълум бир тарихий воқеанинг аниқ вақтини ёки моддий маданият куролининг тарқалиш даврини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Бу методнинг юқори сифатлилиги бугунги кунда археологик материалларни замонавий шаклда ўрганиш ва баҳолаш мезонларига асосланади. Масалан, бугунги кунда археологик материалларни ўрганишда статистик методлардан кенг равишда фойдаланилмоқда. Шунингдек, кейинги вақтларда этноархеология каби йўналиш ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Дескриптив (тавсифий) статистикани қўллаш археологик материаллар захирасини тўлалигича очишга кўмаклашса, аналитик статистика эса археологик материалларнинг типологияси ва илмий гипотезаларни текшириш имконини беради. Ўз навбатида мазкур маълумотларнинг таҳлили, баҳоси ва талқини этнологияга оид назариялар, ғоялар, конценсиялар ҳамда маданиятлар моделларини пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

4. *Таққословчи тилишунослик методи.* Бу методнинг моҳияти турли тиллардаги маълум сўзларни таққослашдан иборатдир. Бу ўз навбатида ўзаро яқин қариндош тилларнинг алоқалари чегараси ва уларнинг қариндошлилик даражасини аниқлаш имконини беради.

5. *Статистикадан фойдаланиш методи* Этнологиянинг фан сифатида шаклланишига гарчи жуда қисқа фурсат ўтган бўлса-да, бу давр мобайнида жуда кўплаб статистик материаллар йиғилди. Айниқса, бу йиғилган материаллар ичида энг муҳимларидан бири аҳолини рўйхатга олишга оид турли йиллардаги маълумотлар ҳисобланади. Мазкур материаллардан фойдаланиш жараёнида тадқиқотчи ўзини қизиқтирган кенг доирадаги саволларга жавоб топиши мумкин. Шунингдек, бундай материалларнинг қиммати нафақат уларнинг турли йилларда бажарилганлиги билан, балки уларнинг маълум бир тизимлаштирилган тартибда амалга оширилганлиги билан

ҳам аҳамиятлидир. Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар маълум йўналишларга оид саволлар мажмуи ва уларнинг жавобларидан иборатдир. Бундай туркум материаллар орасида ижтимоий-демографик саволлар мажмуи: жинси, ёши, ижтимоий мавқеи, маълумоти, касби, уй-жойи тури, мазкур ҳудудда яшаш вақти ва шу каби саволлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай маълумотларни олиш - тадқиқотчи учун умумий этник манзарини ўрганишда ва бир нечта аҳоли манзиллари рўйхати материалларини таққослаш орқали этник жараёнларнинг динамикасини кўрсатиб беришида муҳим аҳамиятга молик.

Этнографик дала амалиёти методлари

Этнологиянинг мустақил фан бўлишида бевосита халқнинг ҳаётини ўрганиш ёки этнологлар тили билан айтганда *дала тадқиқотлари катта* аҳамият касб этади. Дала тадқиқотлари методининг шаклланиши мустамлака халқлар, уларнинг ҳўжалиги, ижтимоий тузилмалари, эътиқоди, урф-одатлари тўғрисида кенгроқ маълумотларга эга бўлишга қизиқиш туфайли шаклланган бўлиб, бу ўз навбатида ўша даврдаги мустамлакачилик сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Чунки, мустамлакачилар ўз колонияларини ва у ерлардаги аҳолини бошқаришлари учун доимий равишда бундай маълумотларга эҳтиёж сезганлар.

Этнографик дала тадқиқотининг ўзи бир неча методларда амалга оширилади

1. *Стационар метод.* Дала тадқиқотларининг бундай методи тадқиқотчига ўрганилаётган этник муҳитда узоқ муддат бўлишликни ва бевосита ўша муҳитга кўникишликни талаб қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадқиқотчи учун одатда мавжуд тадқиқот объектида стационар ишлаш муддати бир этник йилдан кам бўлмаслиги керак. Этнолог-тадқиқотчи учун дастлабки 2-3 ой танишиш ва янги муҳитга мослашиш даври ҳисобланади. Шундан кейин у этник жамоанинг ёки унинг бир қисми ҳаётини йил мобайнида кузатади. Стационар тарздаги дала тадқиқотлари методларининг ўзига хос ютуғи шундаки, этнологлар халқ кундалик турмуш тарзининг бевосита иштирокчиси бўлади

2. *Узоқ муддатли кузатув методи.* Дала тадқиқотларининг қонунийлиги ва самарали бўлишлиги тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган этнос орасида узоқ муддат бўлишликни талаб қилади. Бунга биз америкалик олим Л.Морган ва рус этнографи Н.Н. Миклуха-Маклайларнинг тадқиқотларини ёрқин мисол тарзда келтиришимиз мумкин. Морган Америкадаги ҳиндуларнинг ирокез қабиласи орасида узоқ муддат яшаган бўлса, Миклуха-Маклай Янги Гвинея папуаслари орасида яшаб жуда бой этнографик материаллар йиққан олим ҳисобланади.

3. *Мавсумий ёки шошилинч тарзда ўтказиладиган дала амалиёти методи.* Ҳозирги кунда этнологияда мазкур метод жуда ривожланган. Айниқса олий ўқув юртларида бундай амалиётдан кенг фойдаланилади ва у талабалар учун қулай. Бу методда тадқиқотчи маълум бир тарихий-этнографик ҳудудда яшовчи аҳолини олдиндан белгиланган маршрут асосида ўрганади. Бу метод тадқиқотчи учун қулай бўлган даврда ўтказилади. Лекин бундай тарзда тадқиқотлар олиб бориш этноснинг ҳамма мавсумдаги ҳаётини ўрганиш имконини бермайди.

Дала тадқиқотлари методлари этнолог учун моддий ва маънавий маданият тўғрисида ҳам маълумотлар олиш имконини беради. Фото суратлар, чизмалар, схемаларда моддий, маънавий объектлари: этноснинг меҳнат қуроллари, уй-жойлари, уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечаклари ва шу каби моддий маданият намуналари акс этади.

Замонавий техника воситасида (рақамли видеокамера ва рақамли фотоаппарат, аудио ёзувлар) ва анъанавий дала ёзувларида халқ маънавий ҳаётининг объектлари ва кўринишлари (анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, фолклор қўшиқлар ва шу қабилар) акс этади. Баъзида дала тадқиқотлари жараёнида айрим моддий ва маънавий маданият намуналари музейлар коллекцияси учун йиғилади

5. Этнографик дала тадқиқотларини олиб боришга доир анкета- сўровномаларининг намуналари (Анъанавий ва замонавий мавзулар учун)

Этнографик дала амалиётини ўташ давомида анкета-сўровномалари муҳим аҳамият касб этади. Бундай сўровномалар аҳолининг этник таркиби, жойланиши, шажараси ва ижтимоий муносабатлар, тўй, оила , никоҳ муносабатларининг ўзига хослиги ва динамикасини аниқлаш учун тузилади. Анкета-сўровномаларининг афзаллик томонлари шундаки , бунда қисқа муддатда жуда кўп ахборотчилардан турли мавзулардаги саволларга жавоб олиш мумкин. Бугунги кунда анкеталарни фақат анъанавий мавзулар учун эмас ,балки замонавий муаммолар юзасидан тарқатиш ҳам жуда кўп этнографик маълумотларни тўплашга имкон беради. Замонавий мавзулар йўналишида этнопсихологик, этнопедагогик, этносоциологик, этноиқсодий, этнодиний, этнодемографик анкеталарни ҳам тарқатиш мумкин .

Анъанавий мавзулар учун сўровномалар.

Аҳолининг этник таркиби, жойланиши, авлод-аждодлар шажараси, хўжалик фаолияти ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қисқача намунавий сўровнома.

1. Қайси миллат вакилисиз?.....
2. Қайси уруғдансиз? (тўп, элат, эл ва ҳ.к...)......
3. Уруғ-қабилангиз вакиллари яна қаерларда ва қандай жойларда (тоғли, тоғ олди ва чўл зоналари) жойлашганлар.....
4. Сиз яшаётган қишлоқда бир уруғ вакиллари яшаганми ёки бошқа уруғ вакиллари ҳам бўлганми?.....
5. Агар бошқа уруғ вакиллари ҳам яшаган бўлса, улар билан никоҳ, қўшничилик муносабатлари қандай бўлган?.....
6. Қишлоғингиз (уруғингиз) аҳли асосан қайси қишлоқ (уруғ) аҳли билан кўпроқ никоҳ муносабатларида бўлган?.....
7. Қишлоғингизда қон-қариндошлик муносабатлари қандай бўлган?.....

8. Сиз шажарангиз ҳақида қандай маълумотга эгасиз?.....
9. Аждодларингизни бу ерга келиб қолиши ҳақида қандай маълумотларни биласиз?.....
10. Қишлоқ-жамоа аҳли ва уруғ-қабилангиз ўтмишда қандай хўжалик турлари билан шуғулланган?.....
1. Деҳқончилик ва сув хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари қандай бўлган?.....
12. Деҳқончиликда суғорма деҳқончилик биринчи ўринда турганми ёки лалмикорлик?.....
13. Хўжаликда деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик қандай аҳамият касб этган?.....
14. Қандай суғориш тармоқлари бўлган?.....
15. Суғоришда қандай усуллардан фойдаланилган?.....
16. Деҳқончиликка оид қандай урф-одат ва маросимлар бор?.....
17. Чорвачиликка оид турли маросимлар қандай ўтказилган?.....
18. Чорвачиликни қайси тармоғи етакчи ўринда туради?.....
19. Чорвачилик ва хунармандчиликда сулолачилик анъаналари сақланиб қолганми?.....
20. Ўтмишдаги уй-жой қурилиши билан ҳозирги қишлоқ шароитидаги уй-жойлар қурилишидаги тафовутлар ҳақида сўзлаб беринг?.....
21. Хунармандчиликнинг қандай турлари бўлган?.....
22. Яқин ўтмишдаги маиший хизмат иншоотлари - тегирмон, жувоз, турли тўқимачилик дастгоҳлари сақланиб қолганми?.....
23. Мадраса, масжид ва турли маиший хизмат иншоотлари қурилишида уруғ ёки қишлоқ жамоалари иштироки қандай бўлган?.....
24. Яқин ўтмишдаги маҳаллачилик анъаналари ҳозирги вақтда қандай давом этмоқда?.....
25. Оилада (маҳаллачилик) маҳалланинг ёки жамоанинг роли қандай бўлган?.....
26. Жамоадаги, маҳалладаги никоҳ, суннат тўйи ва турли урф-одатлар билан боғлиқ маросимлар қандай бўлган?.....

Моддий маданият мавзусини ўрганиш учун намунавий
сўровнома.

1. Уй-жой ва уй-рўзгор буюмлари.

а) *Қишлоқлар, овуллар*

1. Қишлоғингизни номи. У нима сабабдан шундай номланган?.....
- 2) Қишлоқнинг географик жойлашиш ўрни (тоғ ёнбағри, дарё бўйи ва дашт зонаси).....
- 3) Қишлоғингиз қачон пайдо бўлган?.....
- 4) Қишлоқнинг (овулнинг) маҳалла ёки гузарларга бўлиниши ва номи.....
- 5) Улар нима сабабдан шундай номланган?.....
- 6) Қишлоғингизда бозор, масжид, ҳаммом ва турли маиший иншоотлар борми?.....
- 7) Қишлоқдаги уй-жойларнинг жойлашиш тартиби.....
- 8) Қишлоқда ва қишлоқ атрофидаги муқаддас қадамжолар ва тарихий ёдгорликлар борми?.....

б) *Уй-жойлар.*

1. Уй-жойларни қуришда қандай қурилиш ашёларидан фойдаланилган?.....
-
2. Уйлар қандай режа асосида қурилган ва асосан неча хонадан иборат бўлган?.....
3. Хўжалик биноларининг қурилиш тартиби ва мақсадлари.....
-
4. Ҳовли алоҳида девор билан ўралганми?.....
5. Уй-жой ва хўжалик иморатларини хашар (кўмак) йўли билан қурилиши.....
6. Уй-жойларни қурилиши ва янги уйга кўчиб ўтиши билан боғлиқ урф-одат ва иримлар.....
7. Ҳовли ички ва ташқи қисмга бўлинадими?.....
8. Меҳмонлар учун алоҳида жой ажратилганми?.....
9. Уйнинг дунё томонларига нисбатан жойлашуви. (қиблага нисбатан).....
10. Уй-жойларни пардозлаш ишлари қандай амалга оширилган (эшик, дераза ва токчаларни жойлашиш тартиби).....

11. Уй ичи қандай жиҳозланган?.....
12. Уйни пардозлашда анъанавий халқ амалий санъати (ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, нақшлар) қўлланилиши.....
13. Ертўла ва болохоналар бўлганми?.....
14. Хўжалик бинолари - тандирхона, омборхона, ошхона, ўтинхона ва молхоналарнинг уйга нисбатан жойлашиши.....

в) кўчма уйлар (ўтов, қапа, чодир ва ҳ.к.)

1. Ўтов, қапа, чодир каби вақтинчалик кўчма уйлар асосан қаерларда қурилган (тоғ ёнбағри, адир, дарё бўйлари ва даштлар)?.....
2. Кўчма уйларда истиқомат қиладиган этник гуруҳлар ва уларнинг номлари.
3. Кўчма уйларнинг турлари. Уларни қуриш учун жойнинг танланиши ва қуриш тартиби. Уларни тиклашда ишлатиладиган қуруллар ва воситалар (керага, ўқ, чий, буйра каби).....
4. Ўтов қисмлари ва уларнинг номланиши.....
5. Ўтовни қуришда оила аъзоларининг катнашуви.....
6. Ўтовни жиҳозланиши. (Уй-рўзғор буюмларининг жойлаштирилиши, безалиши).
7. Ўтовни иситиш ва ёритиш.....
8. Қапа ва унинг турлари. Уларнинг қурилиши. Ишлатиладиган материаллар.....
9. Қапаларда кимлар яшаганлар.....
10. Қапанинг ўлчами, шакли ва қуриладиган ўрни.....
11. Қапанинг жиҳозланиши.....
12. Кўчма уйлар билан боғлиқ удумлар, афсона ва ривоятлар.....

г) Кийим кечаклар.

1. Эркаклар кийими, унинг тикилиши, қандай матолардан тайёрланиши. Мавсумий кийимлар (қишки, ёзги).....

2.Аёллар кийимининг ўзига хослиги, қандай матолардан тайёрланиши ва уларни номлари, кийим-кечакларининг турлари.....

3.Болалар кийими. Унинг ўзига хослиги, ўғил болалар, қиз болалар ва ёш чақалоқлар кийимларидаги ўзига хослик ва фарқлар.....

4.Тақинчоқлар, .безаклар. Аёллар тақинчоқлари, уларнинг турлари ва спецификаси.....

4. Таомлар.

1.Таомларнинг турлари. Баҳордаги, қишдаги таомлар. Қандай маҳсулотлардан тайёрланиши.....

2.Ўсимлик, сабзавот маҳсулотларидан тайёрланадиган таомлар.....

3.Ундан тайёрланадиган таомлар ва нон.....

4.Уларни тайёрлаш усуллари.

5.Қандолат маҳсулотлари.....

6.Гўшти таомлар.....

7.Балиқдан тайёрланадиган таомлар.....

8.Сутдан тайёрланадиган таомлар.....

9.Овқатланиш тартиби ва овқатга бўлган муносабат.....

10.Идиш-товоқлар.....

В. Тўй, оила ва никоҳ муносабатларини ўрганиш учун сўровнома

Тўй маросимлари.

1.Турмуш жуфтини танлаш шакллари: а) қўшнилар, б) таниш-билишлар, в) қариндошлар, г) муҳаббат асосида

2.Келин танлашда қизнинг қайси фазилатларига алоҳида эътибор берилади?.....

3.Ҳозирги кунда совчиликнинг қайси анъанавий удумларига амал қилинади?.....

4.Йилнинг қайси фаслида тўй ўтказиш мақсадга мувофиқ?.....

5.Йилнинг қайси ойида ирим сифатида тўй қилинмайди? (нима учун).....

6.Турмуш жуфтини танлашда жамоа фикрига эътибор бериладими? (қўни-қўшни, маҳалла, таниш-билиш).....

7.Сиз яшаётган ҳудуд аҳолисининг тўй маросимларда фарк борми?.....

Совчилик.

Тўйдан олдин ўтказиладиган маросимлар.

1.Совчилар таркибига кимлар киради?.....

2.Совчиларнинг қайси фазилатлари эътиборга олинади?.....

3.Совчиларни тайинлашдан олдин кимлар билан маслаҳат қилинади?.....

4. Аёл ёки эркак совчиларни танлашда алоҳида эътибор бериладими?.....

5. Келин томоннинг розилигини олиш учун неча марта совчиликка борилади?.....

6.Совчиларнинг биринчи ташрифлари билан боғлиқ рамзий маънони англатувчи қандай одатлар бор. («ковуш йиртди», «эшик супурди», «сўқмоқ очди» ва ҳ.к.).....

7.Келин томоннинг розилигини қандай одатлар орқали билиш мумкин.....

Замонавий мавзулар учун анкета-сўровномаларидан намуналар.

Бугунги кунда ҳаётий заруратнинг ўзи халқимиз феъл атвори, менталитетини янгилашга жиддий эътибор қаратишга ундамоқда. Лекин афсуски ҳозирги даврда Ер шарида кечаётган бошқа бир муҳим жараён-глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитет шаклланмоқда ва бунга бевосита жаҳон миқёсида кетаётган сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув анча кучли таъсир қилмоқда. Бундай глобаллашув, яъни бир хиллашув муайян ижобий натижалар беришига қарамасдан, кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу шарқнинг гавҳари бўлган ўзбек халқининг миллий менталитетига ҳам бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада глобаллашув оқибатида ўзбекларнинг миллий менталитетига хос кўплаб қадриятлари, маросим ва удумлари унутилишига сабаб бўлмоқда. Хулоса тарзида айтадиган бўлсак бутун жаҳон

бўйича улкан глобализацион жараёнлар кечаётган бир вақтда ўзбек миллий менталитетини тадқиқ қилиш унинг нечоғлик умуминсоний қадриятларга мослигини кузатиш имконини беради. Қолаверса, халқимизнинг қадимий анъаналар, азалий урф-одат ҳамда маросимларга эга бўлиши ўзига хос ва ўзига мос миллий менталитетга эга халқ эканлигини тасдиқлаб турибди

Шу боис бугунги кунда халқимизнинг миллий менталитетини ўзида акс эттирувчи қадимий урф-одатлари, маросимлари ва дунёқарашларининг динамика ва уларнинг трансформациялашувини ўрганиш ҳам муҳимдир . Бу борада қатор этнопсихологик, этнопедагогик, этносотсиологик, этноиктисодий, этнодиний, этнодемографик анкета-сўровномаларни тузиш мумкин .

Этнопсихологик, этнодемографик ва этнопедагогик
сўровномалар.

Ҳурматли ахборотчи! Ушбу сўровнома фақат тарихий-илмий нуқтаи-назардан таҳлил қилинади. Шунинг учун ,сиздан илтимосимиз шуки, уни фақат ўз руҳиятингиз ,фикрингиз, дунёқарашингиз ва истак-ҳоҳишингиз доирасида тўлдиришга ҳаракат қилинг!.

Тарбия ҳусусида

1. Сизнинг руҳиятингизни шаклланиши неча ёшгача давом этган деб уйлайсиз?.....6, 17, 25, 40, давом этмоқда
2. 50 ёшга кирсангиз ҳам 80 ёшлик отангизга ҳисобот бериш шарт деб ҳисоблайсизми?.....шарт, шарт эмас, ора-сирада
3. ”Битта ота 40та фарзандни боқа олади, 40та фарзанд битта отани қарай олмайди”. Бу Ўзбек мақолига қандай қарайсиз?.....ўз фикрингизни ёзинг.
4. Сизнинг тарбиянгизда ниманинг таъсири кўпроқ-----оила, мактаб, университет, маҳалла, дўстлар, компанияси ,телевидение.(тагига чизинг)

5. Сизнингча болани қаерда тарбиялаган маъқул.....
оилада,боғчада, энага ёллаб.
6. Фарзандингиз тарбияси масаласида маҳалла, қўни-қўшни,қариндошларнинг ҳар қандай фикрини қандай қабул қиласиз.....*тўғри қабул қиламан,уларнинг фикри билан ҳисоблашмайман, фарзандимнинг қандай эканлигини фақат ўзим биламан.*
7. "Бир болага етти қўшни ота-она" мақолига қандай қарайсиз....*ҳақ гап, бекор гап, ўтган асрга тегишли.*
8. "Чўпон кўп бўлса, қўй....." мақоли тарбия масаласига алоқадорми.....*алоқадор, маълум даражада , алоқаси йўқ.*
9. Сиз фарзандингизни тарбиялаганда қайси мақсадни устунроқ қўясиз.....*жамиятда соғлом муҳит яратишни.фарзандим ўз йўлини топиб кетишини, қариганимда мени қаровсиз қолдирмаслигини.*

Меҳмондўстлик хусусида

- 1.Ўзингизни қай даражада меҳмондўст деб ҳисоблайсиз?.....*ҳар кун меҳмон кутишни ёқтираман, ҳафтада бир марта яхши, ойда бир марта, меҳмон кутиш менга умуман ёқмайди.*
- 2.Оиланинг бирон бир тадбирига тайёргарлик кўриш учун кимнинг ёрдамидан кўпроқ фойдаланасиз?.....*қўшиларнинг,дўстларимнинг,алоҳида яшаётган ака-укаларим ва опа- синглимнинг,махсус хизматчиларнинг.*
- 3.Узоқдан келган азиз кишингизни ёки ҳар хил лавозимдаги меҳмонларингизни қаерда меҳмон қилишни маъқул кўрасиз?.....*уйда оилам билан, ресторан,бар ёки кафеда, қишлоқнинг биронта сўлим масканида,дарё бўйи дачаларида.*
- 4.Уч кунлик меҳмон меҳнат фаолиятингиз ёки иш кунингизга таъсир ўтказмайдими?.....*ёмон таъсир кўрсатади, меҳмон билан оила аъзоларим шугулланади. Меҳмон билан ёрдамчиларим шугулланади.*

5. Уч кунлик меҳмонни қаерда меҳмон қиласиз?.....*фақат уйимда, ҳар куни битта қариндошимникида, меҳмонхонада.*

6.Сиз Европача (ҳар кимни ўз ҳисобидан)меҳмон кутишга қандай қарайсиз?...*Мен учун уятли, фойдали аммо ноқулай,мен меҳмонларимни шундай кутаман,агар шундай бўлса яхши бўларди.*

6.Меҳмон келганда ака –укаларингизни чақириш ва таништириш сиз учун муҳимми?..... *ҳа, йўқ, аҳамияти йўқ, бу тўғрида ҳеч уйлаб кўрмаганман.*

НИКОҲ ХУСУСИДА

1..Никоҳ сиз учун муҳимми.....*ҳа , йўқ, ҳалқ олдида ноқулай бўлмаслиги учун зарур,никоҳ муқаддас .*

2..Сизнингча ким билан турмуш қурган маъқул.....*қариндош, таниш, фарқи йўқ.*

3.Қуда бўлмишнинг ижтимоий даражаси сиз учун муҳимми?.....*ҳа, йўқ,*

4.Никоҳ учун кимнинг розилиги жуда зарур?..... *ота-онанинг , ёшларнинг, қариндошларнинг.*

5. Ҳозирги жамиятда нечта никоҳлилиқ зарур деб ўйлайсиз?...*якка никоҳлилиқ, икки никоҳлилиқ, 4тагача мумкин.*

6.Оилада нечта фарзанд туғилса тўғри деб ҳисоблайсиз?.....*1.2.3.4. 10.оллоҳ берганича ва у барчасини ризқи билан яратади.*

7.Тўйда нима учун келин-куёвни олов устидан ўтказасиз?.....*Ҳамма шундай қилгани учун, шундай қилиш яхши, кўнгли хотиржамлиги учун,унинг маъносини тушунаман, оловдан ўтказмайманва ўтказишдан биронта маъно йўқ.*

8. Шаръий никоҳни шарт деб ҳисоблайсизми?.....*ҳа, йўқ. Расмий ёки шаръий эканлигининг фарқи йўқ*

9.Қизингиз ўзга миллат кишиси билан турмуш қуришига қандай қарайсиз?.....*Мен бунга умуман қаршиман, агар дини бир хил бўлса майли, ,мулкдор ёки мансабдор бўлса қарши эмасман,бундай никоҳда албатта ижтимоий-иқтисодий муносабатлар устуңлигини ҳисобга оламан.*

Ошхонангиз хусусида.

1. Сиз ошхонангизни қайси услубда таъмирлагансиз?.....европача, миллий, ҳар иккаласи аралаш.
2. Оилада қандай таомлар кўпроқ пиширилади?.....миллий, европача, осийча.
3. Ўтган 20 йил давомида сиз ўзинигизнинг миллий ошхонангиз ва маҳсулотлар харид қилишингизда қандай ўзгаришлар сездингиз?....кўпроқ чет элда етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни харид қиляпман. Маҳаллий маҳсулотларни харид қиламан ва уларни ўз соғлигим учун фойдали деб биламан.менинг ошхонам бугун жуда ранг-баранг, мен ошхонамни на миллий ва на европача деб айта олмайман.
4. Бизнинг шароитда чойнинг ўрнини кофе ёки шарбат эгаллаши мумкинми?..... йўқ. Эгаллай олмайди, ҳа, эгаллайди, бунни башорат қила олмайман.
5. Сиз “тунча” ёки “тонқа” шўрва ҳақида эшитганмисиз?.. албатта эшитганман, йўқ, эшитмаганман, бизнинг ошхонамизда бу овқат тайёрланади,
6. Сизга Швейцария дори компанияларидан ўсимликдан тайёрланган дорилар маъқулми ёки ўзбек ошхонасида ўсимликлардан тайёрланган овқатлар маъқулми?.....

Маросимлар хусусида

1. Қурбон ҳайити ,рўза ҳайити ёки бошқа маросимларда ,бирон-бир ҳалокат ёки кўрқинчли тушдан кейин бўғирсоқ пиширишни шарт деб ҳисоблайсизми ? Нима учун?.....
2. Маърака ва маросимларда нима учун бошингизга айнан дўппи кийиб оласиз ёки рўмол ўрайсиз?.....
3. Ислом динида “аза- 3 кун” дейилган. Нима учун унга амал қилинмайди?.....
4. Сиз “келин чилла,”чақалоқ чилла”,”бемор чилла”,”ёз чилла”, “қиш чилла”лари нима эканлигини

тушунасизми?.Уларга қатъий риоя қиласизми?.....

5. Майит чиқарилган оқшом уйдаги барча чироқлар ёқилган =олатда туриши сиз учун нимани ўзгартиради?
6. Қабристондаги “қўйимгоҳ” масаласига эътиборингиз қандай?.....

Буюк этнограф –тадқиқотчи Н.Н.Миклухо-Маклайнинг
этнографик кундалигидан намуналар.

Маклай қирғози. 30 май.

Қуёш ҳозиргина чикди. Барумнинг бир неча бор қисқа бонги урилди. Бу бонг Мотенинг аёли вафот этганлиги ҳақида бир нечта кварталга хабар бераётган эди. Мен Бонгага шошдим. Қишлоқда ҳамма эркаклар куролланган. Кулба олдида мен Мотени кўрдим. Унинг кўлида болта. Моте чор атрофга , кокос пальмаси, кулбанинг томи ва яна аллақаерларга болта уриб, даҳшатли қичқирик ила югуради. Қоронғу хонада майит ва унинг атрофида аёллар жон-жаҳди билан бақирмоқда. Бир пасдан кейин мурдани ташқарига чиқаришда ,ўртада кўйиб, унинг тиззаларини боғлашди ва ҳар хил япроқлар билан безаб, уни дарахтга илиб кўйишди. Моньте кечгача унинг атрофини айланиб “алома-ома” монологини ўқиди ,у дам-бадам дарахтга ва деворларга болта билан ташланар ,фақат ёмғир ёққандагина дарахт панасига ўтиб оларди. Қоронғу тушди. Монте “ Қуёш ботди ундан дарак йўқ, ҳаммаёқ зимистон у келмади,мен уни йўқлаяпман,чақиряпман,аммо ундан дарак йўқ” дея қутурмоқда. Кечқурун мурдани яна кулбага киритишди ва аёллар унинг атрофини ўраб дод-вой солишди.

31 май.

Бугун кечагидан ҳам бошқача кайфият.Одамлар ҳаммаси овқат ва пишириклар тайёрлаш билан овора. Таро,ямс, нўхат, какослар терилган, чўчка сўйилган. Қўшни қишлоқ аҳолиси куролланган ҳолда ,аёллари қўлларида идишлар билан даҳшатли бақир-чақирлар билан мурда ётган кулба томонга келмоқда. Улар кулбага келиб , эркаклар мурдани кўтариб юрар, аёллар эса уни қўллари билан силардилар. Бу ҳол кечгача давом этди. Кечқурун улар ўз идишларига овқатларни солиб кетдилар.Эркаклар эса мурдани саватга солиб уйнинг бурчагига илиб кўйдилар.

2 июнь

Тонг отди. Каттадан кичик аборигенлар юзларини қора рангга бўяб олишган. Баъзилар кўкларини ҳам, яна бировлар қўл ва оёқларини ҳам қорага бўяшган. Моте эса бошдан оёқ қора рангга бўялган.Ҳеч ким ишга чиқмаган. Ҳамма еб- ичиш билан овора. Ҳеч кимда биронта ҳам безак йўқ. Мен Мотенинг олдига бориб унинг кўлини сиқдим. Ва ичкарига кулбага ,мурданинг олдига кирдим. У тепада .цилиндрсимон идишда ,пальма япроқлари билан ёпилган ҳолатда ,2 метр баландликда осифлиқ турибди. Унинг тагида иккита гулхан ёқилган. Мурданинг аччиқ ҳиди ҳаммаёқни босиб кетган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 1997й.
2. Каримов И.А. Хафвсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 6-т.1998 й.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. ”Ўзбекистон” нашриёти.1998 й.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч, Тошкент. “Маънавият ” нашриёти. 2008 й.
- 5.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.Тошкент,2011.
6. Аширова А. Атажанов. Ш. Этнология. –Тошкент. 2007й.
7. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари//Ўзбекистон тарихи .2002. №4. 54-60-бетлар.
8. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.Тошкент,2003
9. Бромлей. Ю.В. Очерки теории этноса. М.,1983.
10. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии.М.,1995 й.
- 11.Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. Л., 1990.
12. Давлетшин, М.Г. Модульная технология обучения. Тошкент,2000 г.
- 13.А. Дониёровнинг «Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари» .Т.: 2003.
14. Жабборов. И. Ўзбек халқи этнографияси Тошкент.1994 й.
- 15.Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси Тошкент., 2005 й.
21. Жуманиёзова М.Т. Тарих дарсларини муаммоли ўқитиш технологияси.Тошкент,”Фан ”. 2009й.
22. Замонавий дарс. Илмий методик тўплам. А.Авлоний номидаги ХТХҚМОМИ.Тошкент,2007 й.
23. Итс.Р.Г. Введение в этнографию.-Л.,Университет, 1991г.
25. Краткий этнологический словарь. Москва: фонд “Социальный мониторинг”, 1995
26. Лурье С.В. Историческая этнология. М.,1998г.
27. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинари материаллари, Т., 2004.
28. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар-Т.,2004.
28. Садохин А.П., Хрущевитская Т.Г. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. –М., Академия, 2000.
29. Қарабоев У. Этнокультура.-Т.;Шарқ. 2006.
30. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001.

Фойдаланиш учун интернет сайтлар

1. www.history.ru
2. www.ziynet.uz
3. www.google.co.uz

Mamlakat Jumaniyozova

**“ETNOGRAFIK DALA AMALIYOTI O‘TKAZISH
BO‘YICHA DASTUR VA USLUBIY TAVSIYALAR”**
(uslubiy qo‘llanma)

Muharrir: **Yo‘ldoshev Ro‘zimboy**
Texnik muharrir: **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhih: **Tamara Turumova**

UrDU noshirlik bo‘limi O‘zbekiston matbuot va axborot
agentligining 2009-yil 19-avgustdagi №148 raqamli buyrug‘i
bilan qayta ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

Terishga berildi: 11.03.2015.

Bosishga ruxsat etildi: 18.03.2015.

Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 ¹/₁₆.

Tayms garniturası. Adadi 100. Buyurtma №.9.

Hisob-nashriyot tabag‘i 1,5.

Shartli bosma tabag‘i 1,4.

UrDU noshirlik bo‘limida tayyorlandi.

Manzil: 220110. Urganch shahri,

H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon: (0-362)-224-66-01.

UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri,

H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon: (0-362)-224-66-01.

ISBN 978-9943-4483-8-4



9 789943 448384